

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРДА

долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ўрганиляпти, кўплаб фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдириляпти



Учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу ҳужжатлар халқимиз, айниқса, электротар манфаатларига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

— Бугун нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки чекка ҳудудлар ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда, — дейди депутат. — Бу, албатта, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Буни учрашувларда ҳар бир фуқаро эътироф этмоқда. Шунингдек, сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар тақдирини бефарқ эмаслиги яққол кўринмоқда. Масалан, сайловчилар фуқароларнинг қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини тақдим этиш механизми, сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат, парламент назорати ҳақида депутатларга катта қизиқиш билан саволлар беришяпти. Кўриниб турибдики, одамларнинг дунёқарashi ўзгариб бораёпти. Улар билдирган фикрлар, айтётган таклифлар қонун қабул қилиш, ижросини назорат қилиш жараёнларида бизни янада масъулият билан иштирок этишга ундайди.

— Шунингдек таъкидлаш лозимки, жойларда аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар кўзга ташланмоқда, — дейди **халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Бахтиёр Янгибоев**. —

Уларнинг ечимиде биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари парламентдаги фракциямиз аъзолари билан доимий ҳамкорлик қилишимиз зарур. Лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймасак, электротар манфаатларини самарали ҳимоя қила оламиз.

— Муассасамизда қулай шaroит бор, — дейди **Денов «Мурувват» ноғиронлар учун эркаклар интернет уйи директори, ЎЗХДП фаоли Парда Сафаров**. — Янги ошхона ишга туширилди. Боғдорчилик, чорвачилик ва полиз маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилган. Кўрсатилаётган эътибор, депутатларнинг ташрифидан барчамиз мамнун бўлдик.

Самимий мулоқот тарзида ўтган учрашувларда депутат таклифларининг саволларига атофлича жавоб берди.

Кашқадарё вилоятида ЎЗХДП фракцияси аъзолари — **122-Ғузор сайлов округидан Комила Каромова, 120-Шахрисабз сайлов округидан Феруза Эшматова ҳамда 119-Чирокчи сайлов округидан Саттор Раҳматов** сайловчилар билан учрашувлар ўтказяпти.

Учрашувларда парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақида сайловчиларга кенг ахборот беришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шу билан бирга, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ўрганилмоқда.

Дастурга асосан жорий йилда вилоятда 10684 лойиҳа доирасида янги иш ўринлари

яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг дастлабки 2 ойида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 7 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова Деҳқонobod туманидаги «Оқиртма» қишлоқ врачлик

корхона-ташкilotлар фаолияти билан яқиндан танишди. Аҳолини ўйлантираётган масалалар билан қизикди. Биз депутатимизга ишонамиз.

— Йил бошида янги тўйхона очдим, — дейди **ёш хусусий тадбиркор Нуриддин Бозоров**. — 10 га яқин иш ўрни яратил-

боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пайриққ маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежида ташкил этилган учрашувда Ёқуб Умаров жорий йил биринчи чорагидаги депутатлик фаолияти, Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар ҳақида ахборот берди.

— Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ҳужжати, энг аввало, аҳоли манфаатларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир, — деди у. — Ким ҳалол меҳнат қиламан деса, бунга имконият ва шарoитлар яратилмоқда.

Ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатлари ҳам ана шу мақсадларга қаратилмоқда. Биз, айниқса, қонунларда ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ меъёрлар яққолроқ асос этилишига ҳаракат қилаёмиз. Чунки бу масалалар партиямиз Сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топган.

Учрашувда сўзга чиққанлар бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва озоишталлик тўғрисида барча соҳалар жадал ривожланаётгани, қишлоқларимиз, чекка ҳудудларимиз ҳам қундан-қунга чирой очиб бораётганини қайд этишди. Шу билан бирга, ўзларини қизиқтирган саволлар, ўйлантираётган айрим масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Эшмурод Улашев қишлоқ врачлик

пунктлари ишларини янада жонлантириш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳақида сўз юритди.

Халқобод маиший хизмат ва сервис касб-хунар коллежи хотин-қизлар кўмитаси раиси Диёра Қўшбоева эса қишлоқларда спорт майдончалари бунёд этиш, ички йўлларни таъмирлаш ишларини янада кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Санжар Абдурахимов тенгдошларини яратилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга қарор қилди. Йигит-қизларнинг китоб ўқишга иштиёқини ошириш, бадий адабиётлар билан таъминлашни яхшилаш учун чекка ҳудудларда китоб дўконлари ташкил этиш таклифини илгари сурди.

«Қўлтўсин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хўрозбой Очилов маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, аҳолига яратилаётган қулайликлар, шунингдек, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш хусусида фикр юритди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Абдувалик ХАЙДАРОВ, Абдурашул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари. Музаффар ТУРОПОВ, жамоатчи мухбир.

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ҳозирги вақтга келиб, Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар комиссиялари тузилди.

Семинар чоғида иштирокчилар сайловга тайёргарлик кўришининг барча босқичлари тўғрисида тўлиқ ахборот ва тушунтириш олди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси аъзоларининг чиқишларида сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар олдида турган вазифалар кўриб чиқилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилан олинди. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларнинг ушбу жараён юзасидан муурожаатларини кўриб чиқиш, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги ҳовли, уй, кўча ва маҳаллалар фуқароларининг вакиллик нормаларини белгилаш уларнинг ваколатларига қиради.

Семинарда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни кўрсатиш муҳимлиги айтилди. Мамлакатимиз бўйича 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раисини, шунингдек, уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайловни муносиб даражада ўтказиш учун зарур шарт-шaroитлар яратишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўмагининг аҳамияти таъкидланди.

Амалий ва ишчанлик руҳида кечган мулоқот чоғида тадбир иштирокчилари аҳолини, хусусан, ёшларни ва аёлларни сайлов жараёнига кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ва ҳуқуқий билимларини ошириш чораларини кўриш масалаларини муҳокама қилди. Бунда ҳудудий комиссиялар ҳузурида ташкил этилган ҳамда сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказишнинг барча босқичларини ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизматлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари шубҳасиз муҳим роль ўйнаши зарур. Айни пайтда, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ижро этиш мақсадида 2016 йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган сайловнинг барча босқичлари изчил ёритилишини таъминлаш учун журналистларнинг билимларини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий семинарлар ўтказилмоқда.

Сенаторлар, Сенат Кенгаши Комиссияси аъзолари семинар иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб берди. Тадбирлар режасига мувофиқ ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокидаги бундай тадбирларни республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Семинар иштирокчилари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ муносиб даражада ўтказишга ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ПАРТИЯМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН

Тинчлик, тотувлик тараннуми

Чегара ортида Сирт қишлоғи борлигини билардим. Унинг элбoши Жeнeш oтa билан танишман. Анорзордаги тантаналарни томоша қилаётганлар орасида у киши ҳам бормикан, деб ўйладим...

Анорзорда эса байрам авжига чиққан. Сўз олганлар мусаффо омонимиз, бахтли ҳаётимиз, обод юрда яшаш имконияти учун шукроналик сўзларини айтдилар. Дарвоқе, тун ва кун тенглашадиган, халқимиз Наврўзи олам дея эъзозлайдиган шукрули кун арафасида Фарғона вилоятида анъанага кўра «Энг обод маскан» кўрик-танлови ўтказилди. Натижада шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўчалар, кўп қаватли уйлар, кўйиник, ҳамма ер ободлик либосини кийди. Миллионлаб кўчатлар экилиб, янги боғ ва гулзорлар бунёд этилди. Ҳар бир хонадон пок ният, эзгу тилла ва шукроналик руҳига тўлди.

— Бу бежиз эмас, албатта. Мухтарам Президентимиз «Ободлик кўнгилдан бошланади», деган. Кўрик-танлов мақсади ҳам юртин обод қилиш билан бирга, Юртбошимиз таъкидлаганидек, кўнгилларга обод-



лик улашиш эди, — дейди **қувалик шоира Зухраҳоним Алиева**. Мазкур танловда иштирок этган анорзорликлар ҳам голиблар сафи-

дан жой олишди. Қишлоқ кўчалари, хонадонлар, адирларга ниҳол қададилар.

— Бугун биз ўзига хос акция

Мухаммадjon КОДИРОВ олган суратлар.

ўтказдик ва унинг ҳар бир иштирокчиси Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб 25 тупдан мевали ва манзарали кўчат экиди, — дейди **ЎЗХДП Кува туман кенгаши раиси Мاستураҳон Сайфутдинова**.

ЎЗХДП вилоят ва туман кенгашлари Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари бoшқармалари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими билан ижтимоий шерикликда «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин» шiori остида чегара ҳудудларда тантаналар ташкил этиш ҳақида қўшма қарор қабул қилинган. Шунингдек таъкидлаш керакки, вилоятнинг Данғара, Бешарик, Риштон туманларида шу каби тадбирлар партия кенгашлари ташаббуси билан бўлиб ўтди.

Анорзорда эса айни даврга қизган чоғда қишлоқнинг ташаббускор, фаол ёшларига ЎЗХДП сафига қабул

қилинганлик ҳақидаги аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Мен қишлоғимиздаги ЎЗХДП ҳудудий бошланғич партия ташкилоти тадбирларида ихтиёрий равишда иштирок этардим, — дейди **45-умумтаълим мактаби ўқитувачиси Гулнара Эргашева**. — Партия гоьлари, дастури билан танишдим ва қатъий қарорга келиб, бу ҳақда БПТга муурожаат қилдим. Менга партияга аъзолик гувоҳномаси айнан Наврўз байрами кунини топширилаётгани ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бўлиб қолади.

Анорзордаги байрамда болалар ва катталар халқ ўйинлари ҳисобланган арқон тортиш, қўлқураш, лапар айтиш бўйича беллашдилар. «Балли, қизлар» танлови ҳам ўтказилди.

— Наврўз шодиёналари хали узoқ давом этади. Биз вилоятимизнинг чегарага туташ барча қишлоқларида шу каби тантаналарни ташкил этишни мақсад қилганмиз, — дейди **ЎЗХДП Фарғона вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбархон Мамажоновна**.

Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

■ Парламент мажлислари очик-ошкора тарзда ўтказилади.

Унда экспертлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари эркин иштирок этади.

СЛОВАКИЯ:

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИДА социал-демократлар галаба қозонди

Жорий йилнинг 5 март кuni Словакия парламенти — Миллий кенгаш учун сайловлар бўлиб ўтди. Парламентдаги 150 депутатлик мандати учун 23 сиёсий партия кураш олиб борди.

Словакия Миллий кенгашига сайловлар ҳар тўрт йилда ўтказилади. Депутатлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунчиликка кўра, 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин.

Мамлакат қонунчилигида белгиланган айрим ўзига хос ҳуқуқий меъёрларга эътиборини қаратмоқчимиз. Мисол учун, депутатлар ўз фаолиятига киришишдан аввал Миллий кенгашнинг илк йиғилишида қасамёд қабул қилади. Бундан бош тортган депутат ўз вазифасидан озод этилади. Сайловнинг ҳаққонийлигини Марказий сайлов комиссияси тасдиқлайди. Агар депутат ҳукумат аъзоси этиб тайинланса, унинг ваколати бекор қилинмайди. Депутат Миллий кенгашнинг рухсатсиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

Депутат ҳукумат ва унинг аъзоларига ёки давлат бошқаруви бўшқа марказий органи раҳбарларига ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан сўров юбориш ваколатига эга. Қонунчилик талабига кўра, депутат сўровига 30 кун ичида жавоб қайтарилиши шарт.

Парламент мажлиси депутатлар умумий таркибининг бешдан бири талаби билан ҳам қаққилиши мумкин. **Парламент мажлислари**

очик-ошкора тарзда ўтказилади. Унда экспертлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари эркин иштирок этади. Бундан ташқари, мажлислар Миллий кенгаш қарорига кўра, ёпиқ тарзда ҳам ўтказилиши мумкин. Бунинг учун парламент аъзоларининг бешдан уч қисми овоз бериши талаб этилади.

Миллий кенгаш ёки унинг органи талаб қилганида ҳукумат аъзолари ёки давлат бошқаруви бўшқа органлари раҳбарлари парламент йиғилишларида иштирок этишга мажбур.

Қўпчилик ривожланган демократик давлатлар сингари Словакия парламенти ҳам қонунларни қабул қилиш, уларга риоя этилишини назоратга олиш, референдум ўтказиш бўйича таклифни қабул қилиш, инсон ҳуқуқлари, ҳарбий хусусиятга эга халқаро шартномаларга қўшилиш бўйича қарор қабул қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, унинг ижроси юзасидан ҳукумат ҳисоботини эшитиш ваколатига эга. Шунингдек, парламент ички, халқаро, мамлакат



ҳаёти билан боғлиқ муҳим иқтисодий, ижтимоий масалаларни муҳокама қилади.

Словакияда парламент учун олдинги сайлов 2012 йилнинг 10 мартида ўтказилган. Унда 44,42 фоиз овоз билан «Йўналиш — социал-демократик» партияси ғолиб бўлган. Бу билан мазкур партия парламентдаги 150 ўриндан 83 тасини қўлга киритган. Натижада партия етакчиси Роберто Фицо Бош вазир лавозимига ўтирган. «Христиан демократик ҳаракати» партияси 8,82 фоиз овоз билан иккинчи, «Оддий одамлар ва мустақил шахслар» партияси

эга бўлган. Шундан сўнг социал-демократлар ўзининг ғоялари, дастурларини такомиллаштириб боришди. Асосан аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш билан боғлиқ ғояларни илгари сурди. Натижада партиянинг мамлакат сиёсий майдонида тутган ўрни, аҳоли ўртасидаги обрўси ошиб борди.

Партиянинг олий органи — Сейм ҳисобланади. Унинг жойларда ҳудудий ташкилотлари ҳам фаолият юритади.

Бевосита жорий йил 5 март кuni ўтган сайловга эътибор қаратадиган бўлсак, унда яна бир бор «Йўналиш — социал-демократик» партияси сайловчиларнинг 28,28 фоиз овозини тўплаб, ғолиб бўлгани ҳақида ахборот берилмоқда. Бу билан социал-демократлар парламентдаги 50 мандатга эга бўлишди. Уларга энг яқин натижани либерал ғоялар тарафдори бўлган «Эркинлик ва бирдамлик» партияси қайд этгани маълум қилинмоқда. Мазкур партия сайловчиларнинг 21,10 фоиз овозини олиб, 21 депутатлик ўринини эгаллаш таъкидланмоқда.


Умуман, сайловда иштирок этган партияларнинг фақат 8 таси парламентдан ўрин олишга муваффақ бўлди.

Интернет материаллари асосида
Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ЭНГ КАТТА ДИРИЖАБЛЬ

парвозга тайёр



Британиянинг «Hybrid Air Vehicles» компанияси дунёдаги энг катта ҳаво кемаси — «Airlander-10» дирижаблини намойиш этди. Дастлабки синов парвози яқин ойлarda бўлиши режалаштирилган.

Унинг узунлиги 92 метр, теълиги эса соатига 150 километрни ташкил этади.

Дирижабдан сайёҳлик ва юк ташиш мақсадларида фойдаланиш мўлжалланган. У тик ҳолатда ҳам уча олади ҳамда ҳар қандай юзага, жумладан, муз, қум ва сув устига қўна олади. Шунингдек, атроф-муҳитга безиён бўлиб, беш кун парвоз этиши мумкин.

200 соатлик синовдан кейин компания тижорат парвозлариға рухсат беради.

КОМПЬЮТЕРДАГИ НОСОЗЛИК


туфайли 87 авиақатнов
бекор қилинди



ANA (All Nippon Airways) авиакомпаниясининг компьютер тизимидаги носозлик туфайли Япониянинг ўнла аэропортларида 87 авиақатнов бекор қилинди. Киодо агентлиги хабарига кўра, оқибатда 10 мингдан ортиқ йўловчи ўз вақтида манзилига етиб бора олмаган.

Шунингдек, мазкур тизимдан фойдаланувчи Starflyer, Airdo, Solaseed Air ва Ibex Airlines авиакомпанияларида ҳам айнан шундай муаммолар кузатилган.

ЗИКА ВИРУСИ: хавфи ортмоқда



Мексикада Зика вирусига чалинганлар сони 160 нафарга етди. Бу ҳолат, айниқса, Мексиканинг жанубий минтақаларида кузатилмоқда. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология бош бошқармаси шу ҳақда хабар берди.

Беморларнинг умумий ахволи мўстабил. Шундай бўлса-да, 2015 йилнинг ноябрида Бразилия соғлиқни сақлаш вазирлиги аёллар ҳомиладорлиги вақтида ана шу вирусга чалинса, бола туғма нуқсон — микроцефалия билан туғилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Бу эса боланинг ақлий носоғломлигига, эшитиш ва кўриш қобилиятлари пасайишига олиб келади.

«Ўзкитобсавдо» Республика акциядорлик компанияси жамоаси меҳнат фахрийси Аваз Аббосовга онаси

ЛОЛАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ИПОТЕКА-БАНК»: яқин ва ишончли ҳамкор



Мамлакатимизда амалга оширилаётган илғим ислохотлар молия-банк тизимининг барқарор ривожига ҳам ўз ифодасини топмоқда. Банк тизимидати ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омили бўлаётган. Бунга «Ипотека-банк» томонидан йўналтирилаётган сармоялар мисол бўлиши мумкин. Чунинчи, молия муассасаси иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирган сармоялар 42,7 триллион сўмдан ортган.

Хусусан, ўтган йили кичик бизнес ва хўсасий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 861 миллиард сўм сармоялар ажратилган. Бу эса озиқ-оват маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришга, импорт ўринини босувчи ҳамда экспортдоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, шунингдек, янги иш ўринлари яратишга имкон берди.

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш,

оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳам банк томонидан ажратилаётган сармоялар оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

— Мазкур соҳада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланган бежиз эмас, — дейди «Ле-кентер капс» фирмаси раҳбари Убайдулла Алиев. —

Бизнинг корхонамиз маҳсулотларидан кекаю ёш бирдек баҳраманд бўлмоқда. Йилга 38 минг дона дори-дармон ва озуқага биологик фаол қўшимча воситалари, жами 700 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Биоминералларга бой, инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотларимизни кўпайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. 2010 йилдан буён «Ипотека-банк»нинг Олмазор филиали билан самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Фаолиятимизни йўлга қўйишда банкдан олган 500 миллион сўм миқдоридagi кредит анча қўл келди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз яхшиланиши баробарида касб-хўнара коллежи битирувчилари ҳисобига иш ўринларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Ҳозир 15 нафар йигит-қиз

доимий иш билан таъминланган.

Мамлакатимизда ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқаришга имтиёзлар билан тўлдиришга катта эътибор берилаяпти. Бунда ҳам «Ипотека-банк» томонидан амалга оширилаётган ишлар самарали бўлмоқда.


— Корхонамиз болалар ва ўсмирлар учун спорт кийим-кечалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. 2014 йилда ўтказилган «Тадбиркор аёл» кўрик-танловининг энг яхши лойиҳаси йўналиши бўйича ғолиб бўлиб, «Ипотека-банк»нинг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш сертификат билан тақдирландик, — дейди «Спорт жихоз люкс» хўсасий корхонаси раҳбари Қимматхон Султонова. — Банкнинг Тошкент

Мамлакатимизда яратилаётган қўлай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз ўз маҳсулотлари билан дунё бозорларига ҳам чиқишмоқда. Бу борада ҳам «Ипотека-банк» уларга ишончли ҳамкор бўлмоқда. Ушбу мақсад учун молия муассасаси томонидан 861 миллиард сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди.

шаҳар амалиёт бошқармасидан олган 200 миллион сўм кредит эвазига ишлаб чиқаришимиз янада кенгайди. Ўтган йили ходимларимиз сони 30 кишини ташкил этган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 50 тага етди. Мақсадимиз ички бозорни сифатли спорт кийимлари билан таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда яратилаётган қўлай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз ўз маҳсулотлари билан дунё бозорларига ҳам чиқишмоқда. Бу борада ҳам «Ипотека-банк» уларга ишончли ҳамкор бўлмоқда. Ушбу мақсад учун молия муассасаси томонидан 861 миллиард сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга ўн йилдан ошди. Корхонамиз парфюмерия, косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган.



Хизматлар лицензияланган.

